

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК ТУРСУНБОЕВИЧ**

**ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БИЗНЕС ФАОЛИЯТИГА**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Файзуллаев Улуғбек Турсунбоевич**

Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.....3

**Файзуллаев Улуғбек Турсунбаевич**

Совершенствование педагогических условий подготовки учащихся старших классов к бизнес деятельности.....25

**Fayzullayev Ulughbek Tursunboyevich**

Improving the pedagogical conditions for preparing upper grade pupils for business activities..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК ТУРСУНБОЕВИЧ**

**ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БИЗНЕС ФАОЛИЯТИГА**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4PhD/Ped2506. рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эркабоева Нигора Шерматовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Худойбердиев Зайниддин Явкочевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**


**Фарғона давлат университети**


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “11” февраль соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган ш., Уйчи кўчаси, 316.Тел.: (998) 69-227-06-12; факс:(998) 69-227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). 160119, Наманган ш., Уйчи кўчаси, 316. Тел: (998) 69-227-06-12

Диссертация автореферати 2022 йил “2” 02 кун тарқатилди.  
(2022 йил “11” 02 даги 2- рақамли реестр баённомаси).



  
**С.Т.Тургунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
**М.А.Асқарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**З.Э.Азимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий жамият шахсни муваффақиятли ижтимоийлашувининг асоси сифатида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Юқори синф ўқувчиларининг бизнес асосларини амалий ўзлаштиришига эришиши учун иқтисодий ижтимоийлашув агентлари ҳисобланган оила, таълим муассасалари ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Бизнес асосларини ўрганиш ўқувчи-ёшларда меҳнатсеварлик, истеъмолчилик сифатларини шакллантириш, норасмий (информал) таълим шароитида нодавлат ва нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим олувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашга доир интерактив машғулотларни ташкил этиш ва ёшлар ташкилотларининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш орқали самарали амалга ошиши мумкин.

Дунёда ўқувчиларда бизнес кўникмаларини ривожлантиришда нодавлат ташкилотларнинг салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларни тадбиркорликка тайёрлаш, мустақил бизнес соҳасини танлашга йўналтиришнинг инновацион моделларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, вариатив-модулли ёндашув асосида юқори синф ўқувчиларига бизнес асослари ва тадбиркорлик амалиётини ўргатиш технологияларини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларни бизнесга тайёрлаш орқали ташаббускорлик, мустақиллик, ижодкорлик, рискологик компетентлик каби шахсий сифатларни тарбиялаш, кичик корхоналар лойиҳасини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш кўникма ва малакаларини ривожлантириш муҳим долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. “Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир”<sup>1</sup> ғоясига устуворлик бериш асосида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бизнес таълимининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Бу эса, юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, норасмий таълим шароитида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш мазмуни, модели ва педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармони // // <https://lex.uz/docs/3826817>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида” ПФ-5466-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5712-сон фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4231-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги 175-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ўқувчиларда бизнес кўникмаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий, психологик ва педагогик жиҳатлари, ўқувчиларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш, бизнес фикрлашга ўргатиш, тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш масалалари республикамиз олимларидан Б.Ганиев, Қ.Муфтайдинов, М.Артикова, Н.Муродова, Д.Рахматуллаева, А.Худойкулов, З.Худойбердиев, Г.Шодиева, Ш.Қувондиқов, О.Ҳайитов, Р.Ҳакимов, А.Абдирашидов кабиларнинг илмий тадқиқотлари, монография ва ўқув қўлланмаларида ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Е.Арнаутова, А.Бартенов, В.Гребнова, А.Карпов, Е.Климова, И.Кондратенко, Е.Манчук, А.Миллер, М.Никулаева, В.Петрицев, С.Савинова, А.Шилкина, А.Шукаева, Эбрайими Тагизадех Хосро Морадали кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчиларни иқтисодий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик механизмлари, ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитлари баён этилган.

Хорижлик олимлардан A.Gibb, M.John, R.Kreither, R.Sarah, S.Moscovisi, M.Rokeach, J.Say, H.Davies кабиларнинг тадқиқотларида бизнес таълимини ташкил этиш йўллари ёритиб берилган.

Тадқиқот мавзуси билан алоқадор илмий изланишлар таҳлили юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, мажмуавий омиллари, мазкур жараённи ташкил этишда норасмий таълим имкониятларидан фойдаланиш йўлларининг тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди. Ана шундай зарурият юқори синф ўқувчиларини

бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Марказий Осиёда битирувчиларнинг ишлаши учун қулай шароитлар яратиш орқали ОЎЮ талабалари учун инновацион ёндашувлар, тадбиркорлик кўникмалари ва муносабатларни ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

норасмий таълим шароитида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш мазмунини ёритиб бериш;

юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш;

нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва Ўзбекистон Ёшлар агентлиги ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 9-11 синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, кузатиш, суҳбат, анкета, эксперт баҳолаш, фаолият натижаларини ўрганиш, интервью, педагогик эксперимент, математик статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар иборат:

ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг эдукологик хусусиятлари тадбиркорликка доир компетенциялар кластери, муваффақиятга эришиш мотивациясининг интернал ва экстернал намоён бўлиш даражаларини экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

норасмий таълим шароитида ўқувчи-ёшларни кичик бизнесга тайёрлашнинг алгоритмик босқичлари кластерли (Ёшлар Агентлиги, тадбиркор, оила, таълим муассасаси кооперацияси), гендер (ўғил ва қиз болалар учун аҳамиятлилик даражаси), компетенциявий (тадбиркорлик, ташаббускорлик, эрудиция) ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини концентрли структуралаш асосида аниқлаштирилган;

юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш моделининг натижавий-баҳолашга доир компоненти мотивацион, ижодий мезонларнинг тадбиркорлик сифатлари ва бизнес билан боғлиқ назарий билимларни

эгаллаганлик, бизнесни ташкил эта олиш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлик, ишбилармонлик сифатларининг қарор топиши, мустақил бизнес фаолиятини олиб боришга тайёрлик каби таксономик кўрсаткичлар билан валидлик даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг интерактив педагогик шарт-шароитлари муаммоли-изланишли, ассесмент, вазиятлар таҳлили, ишбилармонлик ўйинлари, ўқув лойиҳаларига асосланган юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашга доир коуч-тренинг дастурлари асосида “Қадриятга йўналганликни аниқлаш”, “Қарорлар қабул қилиш”, “Келишув ва зиддият”, “Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш” каби интенсив методикаларни оптимал қўллашга йўналтирилган бизнес таълимини ташкил этиш механизминини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг коучинг технологияси такомиллаштирилган;

ўқувчи бизнесга тайёрлашга доир тренинг машғулотлари ишланмалари яратилган;

ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва Ўзбекистон Ёшлар агентлиги ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда ўқувчи-ёшларни бизнесга тайёрлашга доир миллий ва хорижий тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “бизнес”, “тадбиркорлик”, “бизнес тренинглар”, “тадбиркорлик сифатлари”, “бизнес таълими” тушунчалари моҳиятининг аниқлаштирилганлиги, юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятларининг очиб берилганлиги, ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш тузилмаси ва компонентларининг аниқланганлиги, таълим олувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашга таъсир кўрсатувчи эндоген ва экзоген омилларнинг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти норасмий таълим шароитида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг



педагогик имкониятларининг очиб берилганлиги, юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш модели, бизнес тренинг дастурларининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг интерактив педагогик шарт-шароитлари, “Қадриятга йўналганликни аниқлаш”, “Қарорлар қабул қилиш”, “Келишув ва зиддият”, “Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш” каби интенсив методикаларни оптимал қўллашга йўналтирилган бизнес таълимни ташкил этиш механизмининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашга доир тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг эдукологик хусусиятларини тадбиркорликка доир компетенциялар кластери, муваффақиятга эришиш мотивациясининг интернал ва экстернал намоён бўлиш даражаларини экзоген ва эндоген омиллар билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини ҳисобга олиш, норасмий таълим шароитида ўқувчи-ёшларни кичик бизнесга тайёрлашнинг алгоритмик босқичларини кластерли, гендер, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини концентрли структуралаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Молиявий саводхонлик” ўқув курсининг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 21 октябрдаги 01/11-02/02-1499-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашда уларнинг молиявий саводхонлигини оширишнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга эришилган;

юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш моделининг натижавий-баҳолашга доир компонентини мотивацион, когнитив, ижодий мезонларнинг тадбиркорлик сифатлари ва бизнес билан боғлиқ назарий билимларни эгаллаганлик, бизнесни ташкил эта олиш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлик, ишбилармонлик сифатларининг қарор топиши, мустақил бизнес фаолиятини олиб боришга тайёрлик каби таксономик кўрсаткичлар билан валидлик даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги “2017-2018 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш, уларни қисқа муддатда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва таълим муассасаларига етказиб берилишини таъминлаш тўғрисида”ги 803-Ф-сон Фармойишига асосан, “Тадбиркорлик асослари” дарслигини яратишда фойдаланилган (Республика Таълим марказининг 2021 йил 21 октябрдаги 01/11-02/02-1499-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларнинг тадбиркорликка доир билимларини ошириш, бизнес саводхонлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг интерактив педагогик шарт-шароитларини муаммоли-изланишли, ассесмент, вазиятлар таҳлили, ишбилармонлик ўйинлари, ўқув лойиҳаларига асосланган юқори синф

Ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашга доир коуч-тренинг дастурлари асосида “Қадриятга йўналганликни аниқлаш”, “Қарорлар қабул қилиш”, “Келишув ва зиддият”, “Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш” каби интенсив методикаларни оптимал қўллашга йўналтирилган бизнес таълимини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Мактаб-тадбиркор” ҳамкорлиги ғояси асосида “Муваффақият сири нимада деб ўйлайсиз?” мавзусидаги суҳбат-мулоқотлар уюштириш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 11/05-15-10031-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларни бизнесга тайёрлашнинг ҳамкорликка асосланган педагогик механизмини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги, педагогик-психологик хусусиятлари, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги тараққиёт босқичида давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишига қаратилган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолининг фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлашдаги муҳим ислохотлар замирида мамлакатда тадбиркорликка кенг йўл очиш, ҳар бир

худудда ишбилармонлик муҳитини яратиш йўлидаги чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2020 ва ундан кейинги йиллар учун стратегик вазифаларни белгилаб берар экан, “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади. “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакиллари рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши керак”, – деган қатъий фикрни билдириб ўтди.

Бугунги кунга келиб республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида “тадбиркорлик”, “тадбиркор”, “бизнес”, “бизнесмен” каби тушунчалар кенг қўлланила бошланди. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш маълум бир маънода ўқувчилар онгида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тасаввурни шакллантиради. Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, психологик, ташкилий, иқтисодий ва тарихий жиҳатлар мавжуд. Мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади.

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин. У кишиларнинг ишбилармонлик фаолиятидан келиб чиқадиган муносабат шакли бўлиб, бирор-бир унумли иш, фаолият билан боғлиқликни англатади. Бизнес билан шуғулланадиган шахс “бизнесмен” дейилади. Бизнес – бу инглизча сўздан олинган бўлиб, бизнес – иш, мен – одам, деган маънони англатади. Тадбиркорлик (бизнес) иқтисодий категория бўлиб, хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлаш тури ҳисобланади.

“Бизнес”, “тадбиркорлик” тушунчалари тўғрисидаги юқорида келтирилган фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда айтишимиз мумкинки, “тадбиркорлик” – бу кишиларда ёшлиқдан ижодкорликни, янгилик яратиш борасида тинимсиз меҳнат, изланишлар олиб боришни талаб қилувчи фаолият тури ҳисобланади.

Ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш бу иқтисодий компетенциянинг асосий компонентларидан биридир. Ана шу сабабли ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш, уларда ишбилармонлик сифатларини шакллантиришга таълим-тарбия жараёнининг таркибий асоси сифатида қараш лозим.

Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш энг аввало, уларнинг мазкур фаолият турига психологик тайёргарлигига боғлиқ. Кўплаб тадқиқотларда фаолиятга психологик тайёрлик мазкур жараёни амалга ошириш шarti ва регулятори сифатида, унинг интеграл хусусияти тарзида субъектнинг психологик ҳолати, установкалари билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Психик ҳолат сифатида инсоннинг психологик тайёрлигини ўрганиш натижасида қатор олимлар зарурий даражада фаолиятни амалга оширишни таъминлайдиган инсон барча психофизиологик тизимларининг сафарбар этилганлик ҳолатига диққатни қаратади.

Шахс хусусияти сифатида психологик тайёрликни тадқиқ этар экан, олимлар унинг тузилмали-мазмунли компонентига диққат қаратишади. Бир қанча нуқтаи назарларнинг мавжудлигига қарамасдан, психологик тайёрлик деганда, субъектнинг аниқ фаолиятга, ўз-ўзига, маълум тартибдаги ҳаракатларга умумий йўналганлиги тушунилади.

Ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш билан боғлиқликда ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: идрок этиш босқичи – унда онгда бевосита акс этадиган маълумотларнинг қабул қилиниши ва тадбиркор учун аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан сараланиши рўй беради; ассоциатив боғланишлар босқичи, бунда онгдаги янги хабарлар эскилари билан солиштирилиб, ассоциатив ва маънавий боғланишлар ўрнатилади; юқоридаги икки босқич хусусиятларининг умумлаштирилиши – объект ҳақидаги тасаввурларнинг генерализациясидир; кейинги босқичлар кўпроқ тафаккур ва тушунчалар соҳасига тааллуқли бўлиб, унда ҳар бир маълумот ёки хабар дифференциал ҳолда тадбиркор учун аҳамиятlilik даражасида ажратилади ва шу асосда маълум установакалар шаклида унинг хулқ-атвори йўналишини белгилайди.

Ўқувчиларда бизнес фаолиятига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш уларнинг қадриятли йўналганлиги, қадриятли установа ва қадриятлар тизимининг шаклланганлиги билан узвий боғлиқ.

Адабиётлар таҳлилига кўра, ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш нуқтаи назаридан қадриятларнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: терминал (психологик-педагогик фанларда – мақсадли; маркетингда – пировард) ва инструментал (психологик-педагогик фанларда – воситали; маркетингда – билвосита) қадриятлар. Терминал қадриятлар – ўқувчининг тадбиркорлик фаолиятига интиладиган мақсадлари ва ҳолатлари ҳақидаги фикрларидир (бахт, донишмандлик ва ҳ.к.). Инструментал қадриятлар эса, терминал қадриятларга эришиш учун тадбиркорлик кўникмасини эгаллаш жараёнида ўқувчи қўллайдиган хулқ-атвор шакллари ҳақидаги тасаввурларига (бизнесда ҳалол бўлиш ёки ўз зиммасига мажбурият олиш) тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик компетенцияларининг ягона рўйхати мавжуд эмас. Л.А.Трусова томонидан ўқувчиларнинг келажакда тадбиркорлик фаолиятларини муваффақиятли олиб боришлари учун янада мақсадга йўналтирилган ва самарали тайёрлаш учун шакллантириш мумкин бўлган уларнинг умумий тадбиркорлик компетенциялари модели ишлаб чиқилган. Уларга қуйидагилар тааллуқлидир: “муваффақият ва ютуқлар”; “етақчилик; “тадбиркорлик тафаккури”; “ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар”; “таълим, маълумотlilik даражаси”; “шахсий имкониятлар”.

Демак, ўқувчиларда бизнес фаолиятига доир билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлиги қуйидаги хусусиятлар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

**Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашда муҳим  
ҳисобланган ижтимоий-педагогик хусусиятлар**

<b>Педагогик хусусиятлар</b>	<b>Психологик хусусиятлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- қадриятли йўналганлик;</li> <li>- назарий ва амалий билимларга эгалик;</li> <li>- рефлексив кўникмаларнинг мавжудлиги;</li> <li>- вақтни бошқариш ва тўғри режалаштиришга доир билимларнинг мавжудлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўз-ўзини назорат қила олиш;</li> <li>- иродавийлик;</li> <li>- ташкилотчилик;</li> <li>- меҳнатсеварлик;</li> <li>- ташаббускорлик;</li> <li>- масъулиятлилик;</li> <li>- муваффақиятга эришиш мотивининг юқорилиги</li> </ul>
<b>Ижтимоий хусусиятлар</b>	<b>Бизнес фаолиятига доир хусусиятлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлик;</li> <li>- мослашувчанлик ва киришувчанлик;</li> <li>- фаолият таҳлилини олиб бориш;</li> <li>- ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш;</li> <li>- мулоқотчанлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- таваккалчиликнинг намоён бўлиши;</li> <li>- яратувчанлик;</li> <li>- тежамкорлик;</li> <li>- иқтисодий билимга эгалик;</li> <li>- тадбиркорлик сифатлари;</li> <li>- янгиликка интилиш;</li> <li>- ишбилармонлик</li> </ul>

Таҳлиллар асосида ўқувчиларда бизнес кўникмаларини ривожлантириш омиллари шартли тарзда икки яъни, экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) гуруҳга ажратилди. Экзоген омилларга давлатнинг таълим, маънавий-маърифий ишлар борасидаги сиёсати; жамиятнинг ўзига хос менталитети; ахлоқий қарашлар; инвесторлар фикри ва дунёқараши; мамлакатдаги экологик вазият; ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси; бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси; молиявий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси; ишсизлик даражаси; бизнес фаолиятига кўмаклашувчи институтлар фаолияти; тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий меъёрлар киритилди. Эндоген омиллар эса, ўз ичига мотивация; оилавий ёки шахсий тадбиркорлик тажрибаси; соҳадаги компетенция; сармоя; маълумотлилик даражаси; ижтимоий капитал; тадбиркорликка бўлган қобилият кабиларни қамраб олди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш муаммосининг амалиётдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижалари таҳлиliga кўра, деярли барча ўқувчилар муайян бизнес фаолияти билан шуғулланишни хоҳлашади. Лекин сўровномада иштирок этган ўқувчиларнинг 35 %ида иқтисодий билим ва бизнес фаолияти билан шуғулланишга доир амалий кўникмалар мавжуд бўлсада, бироқ 65 %га яқин ўқувчиларда иқтисодий билимлар паст даражада бўлиб, бизнес фаолияти билан боғлиқ амалий кўникмалар деярли мавжуд эмас. Натижалар таҳлили мазкур муаммони ҳал этиш учун зарурий чоратадбирлар дастури ва амалий ечимларни ишлаб чиқиш заруратини белгилаб берди.

Диссертациянинг “Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик асослари” деб номланган иккинчи бобида

норасмий таълим шароитида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш мазмуни, педагогик модели ва шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Норасмий таълим шароитида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашда қуйидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш лозим: 1) оилада қулай психологик муҳит ва анъаналар мавжудлиги ҳамда уларнинг ўқувчиларга таъсирини аниқлаш; тадбиркорлик маданияти, харидор ва сотувчининг ҳақ-ҳуқуқларини ўқувчиларга англантиш; тадбиркорнинг катъиятли, адолатли бўлишини улар онгига сингдириш.

Тадқиқотда норасмий таълим шароитида “мактаб–тадбиркор хамкорлиги” асосида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш мақсадида бинар дарслар, бизнес-коучинг ва бизнес-тренинглари ташкил этиш кутилган натижани бериши ҳақидаги фараз илгари сурилди. Шу мақсадда Ёшлар иттифоқи фаоллари, таниқли тадбиркорлар иштирокида ўтказилган бинар дарслар, бизнес-коучинг ва бизнес-тренинглари ташкил этилди. Қуйида норасмий таълим шароитида ўтказилган машғулотлардан лавҳаларни келтириб ўтамыз.

### **Бинар-дарс: “Тадбиркорлик ва унинг турлари”.**

Иштирокчилар: Наманган шаҳар Ёшлар иттифоқи фаоллари: Аброр Тўхтабоев, Қосимжон Охунов, наманганлик таниқли тадбиркор Қудрат Абдуллаев ва 11-синф ўқувчилари.

Бинар-дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Янги мавзунини баён қилиш, асосий таянч тушунчалар устида ишлаш. Ўқитувчи томонидан тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, вазифалари, турлари ва шакллари ҳақида маълумотлар берилди. Бизнесни ташкил этиш ва юритишда ташаббускорлик кўрсатиш ҳақида фикр алмашилди. Шунингдек, тадбиркорлик ривожланишининг шарт-шароитлари, мулкчилик тури ва шакллари атрофлича баён этилди.

III. Наманганлик тадбиркорнинг ўқувчилар билан ўтказган маҳорат дарси.

IV. Кичик гуруҳларда ишлаш.

### **Коуч-тренинг: Ёшларни бизнес фаолиятига тайёрлаш.**

Модератор: фарғоналик тадбиркор Эргашев Одилжон.

Мақсад: ўқувчиларнинг иқтисодий тафаккурини ривожлантириш, тадбиркорлик ҳақидаги билимларини бойитиш ва бизнес фаолиятига мотивацияни шакллантириш.

Вазифалар:

1. Тадбиркорлик тушунчасини ёритиб бериш.

2. Ёшларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг долзарблигини асослаш.

3. Тадбиркор қандай сифатларга эга бўлиши лозимлигини асослаш.

4. “Пул билан дўстлаша оласизми”? методикасидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг тадбиркорлик қобилиятларини аниқлаш.

Иштирокчилар: Фарғона шаҳар Ёшлар иттифоқи фаоли Хошимова Муаттархон, фарғоналик таниқли тадбиркор Эргашев Одилжон ва 10-синф ўқувчилари.

## **Бизнес-тренинг: Бозор ва бозор муносабатлари.**

Мақсад: ўқувчиларни бозор ва бозор муносабатлари, унинг иқтисодийда тутган ўрнини англаб етишлари, уларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш, бизнес ҳақидаги билимларини бойитиш ва мотивацияни шакллантириш.

Вазифалар:

1. Бозор ва унинг турлари, бозор иқтисодиёти субъекти сифатида корхона (фирма) ҳақида ва унинг қайси бозор тузилиши доирасида ишлаши, фаолият йўналишларини аниқлаштириш.

2. Бозор тузилмалари ва уларнинг хусусиятларини фарқлаш кўникмаларини шакллантириш.

3. Ўқувчиларда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми ҳаракатларини таҳлил қилиш, унинг афзалликлари ва камчиликларини тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

4. Ўқувчиларнинг ҳаётий (аниқ) вазиятларда олган билимларини қўллаш бўйича кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, мавжуд бозор тузилишини таҳлил қилиб, хулоса чиқаришга ўргатиш.

5. Ўқувчиларга бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳим аҳамиятга эга эканлигини сингдириш.

Бизнес-тренингни бориши:

I. Ташкилий қисм.


II. Ўқитувчининг кириш сўзи.

III. Кичик гуруҳларда ишлаш.

IV. Мотивация+Рефлексия.

Тадқиқот доирасида мактаб, тадбиркор ва оила ҳамкорлиги асосида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг). Мазкур модел қуйидаги компонентларни ўз ичига қамраб олди: мақсадли, мазмунли, ташкилий-фаолиятли ва натижавий-баҳолашга доир.

Мактаб, тадбиркор ва оиланинг ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга доир ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш деганда қуйидагилар кўзда тутилди: 1) ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича умумий масалаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар, тадбиркорлар ва ота-оналарнинг нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш; 2) мотивацион эҳтиёжларга асосланиб ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлашнинг самарали шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш асосида назарий билим ва амалий кўникмаларни ижодкорлик билан бойитиш; 3) педагог, тадбиркор ва ота-оналарнинг юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш жараёнини ўзаро келишув асосида олиб бориш ва педагогик рефлексия асосида тарбиявий жараёнга ўз вақтида тузатишлар қиритиш.



**1-расм. Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик модели**



Мақсадли компонентга кўра, асосий мақсад этиб юқори синф ўқувчиларида норасмий таълим шароитида бизнес фаолиятига доир кўникмаларни ривожлантириш белгилаб олинди. Асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мактаб, тадбиркор ва оиланинг педагогик, тарбиявий фаоллигини ошириш; ўқувчиларда ташаббускорлик, ижодкорлик, иродавийлик, ишбилармонлик, вақтни тўғри режалаштириш каби тадбиркорлик сифатларини самарали таркиб топтиришга доир вазифалар аниқлаштирилди.

Жараёни-мазмунли компонент 9-11 синфларда “Иқтисодий билим асослари”, “Тадбиркорлик асослари” фанини ўқитиш билан бирга, тадбиркорларнинг бевосита иштирокида педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналар учун махсус бизнес-тренинг дастурини ўзида ифода этди.

Ташкилий-фаолиятли компонентда мактаб, тадбиркор ва оила ҳамкорлиги асосида юқори синф ўқувчиларини мустақил бизнес фаолиятига тайёрлашнинг самарали шакл, метод ва воситалари ўз аксини топди.

Умумий ўрта таълим тизимининг замонавий босқичида амалга оширилиётган ислохотлар шароитида ўқувчиларни бизнес фаолиятига тайёрлаш жараёнида таълим олувчиларнинг шахсий ресурсларини сафарбар этишга қаратилган ўқитиш жараёнини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқори синф ўқувчиларчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашнинг педагогик модели мазкур тадқиқотда тадбиркорлик фаолияти турларига мувофиқ келувчи компетенциялар (тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, товарлар бозорини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, командада (коллаборатив) ўқитиш ва персонални бошқариш); тадбиркорлик фаолиятининг асосий функцияси сифатида бошқарувга доир қарорларни қабул қилиш даврийлигига мос ўқув вазифалари таснифига асосланган таълим жараёнини ташкил этишнинг ситуатив шакллари йиғиндиси сифатида талқин этилган.

Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш жараёни куйидаги педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олишни тақозо этади:

1. Таълим жараёнида махсус бизнес-тренинг ва бизнес коучинг дастурларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларни бизнес фаолиятига йўналтириш. Бизнес тренинг ва бизнес коучинг дастурлари ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларни ўзлаштириш, уларда ижодий ва ностандарт фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи тренинглар, маслаҳатлашув ҳамда гуруҳда ўқитиш шаклида амалга оширилади. Улар бизнес фаолиятида юзага келадиган муаммоли вазиятларга ечим топиш, қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

2. Ўқувчиларда бизнес фаолиятининг мазмун-моҳиятини тушуниш кўникмасини шакллантириш учун танланган касб соҳаси ва бизнес фаолиятининг амалий жиҳатлари билан алоқадор ўқув топшириқлари, мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш, турли тадбирларда ҳамда таълим олувчиларнинг кейс ва тест топшириқларини бажариш жараёнидаги

фаол иштирокини таъминлаш. Бу орқали таълим олувчилар бир томондан, бизнес фаолияти мазмунини шахсий тажрибага асосланган ҳолда ўзлаштиришади, иккинчи томондан биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолият малакасига эга бўлишади, низоли вазиятларни бартараф этиш лаёқатини эгаллайди. Шунингдек, хилма-хил конструктив мулоқот шаклларида иштирок этиш ва иқтисодий фаолият нуқтаи назаридан мулоқотнинг янги шаклларини лойиҳалаш ва амалга ошириш, барқарор эътиқод ва қарашлар тизимининг шаклланиши ҳамда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш жараёни амалга оширилади.

3. Ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитиш ва дардан ташқари фаолиятда иқтисодий билим ва кўникмаларни янги вазиятларда қўллаш малакасини шакллантириш асосида, ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаларида фаолият юритиш ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ўқувчиларда шахсий тажрибани таркиб топтиришнинг ижодий-когнитив ва эмоционал компонентлари уйғунлигини таъминлаш. Бу эса, инновацион фикрлашни ривожлантириш, мустақил таълим олишга эҳтиёжни, тадбиркорлик соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш малакасини шакллантириш, бизнес фаолиятида ижтимоий ва иқтисодий масъулиятли муносабатни таркиб топтиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлашга йўналтирилган тажриба-синов ишлари 2017-2021 йилларда амалга оширилган. Тажриба-синов ишларига Фарғона шаҳридаги 41-, Марғилон шаҳридаги 5-, Андижон шаҳридаги 9-, 21-, Қўқон шаҳридаги 29-, 35- ҳамда Наманган шаҳридаги 11-, 15-, 77-, 81-умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларининг 910 нафар респондент-ўқувчиси жалб этилди.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида юқори синф ўқувчиларини бизнес фаолиятига тайёрлаш самарадорлиги куйидаги мезонлар ёрдамида аниқланди: 1) тадбиркорликка оид иқтисодий билимларнинг ўзлаштирилганлиги ва ижобий муносабатнинг қарор топганлиги; 2) самарали тадбиркорлик фаолияти зарурлигини идрок этиш; 3) касб-ҳунарга мойиллик; 4) ўзини ўзи баҳолаш, янги ғоялар яратиш ва уларни баҳолаш; 5) ташаббускорлик, мустақиллик, тежамкорлик, қатъиятчилик, таҳлилий фикрлаш, масъулият билан қарор қабул қилиш.

Ўқувчиларда иқтисодий билим ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотлар таҳлили ҳамда ўқувчилар томонидан фанларга оид билимларни ўзлаштириш босқичлари ва даражаларидан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчиларининг бизнес фаолиятига тайёрлигини аниқлаш даражалари ва кўрсаткичлари куйидагича белгилаб олинди (2-жадвалга қаранг).

**Юқори синф ўқувчиларининг бизнес фаолиятига тайёрлигини аниқлаш даражалари ва кўрсаткичлари**

<b>Даражалар</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
<b>Юқори</b>	Мазкур ҳолат ўқувчининг иқтисодий жараёнлар ва бизнес фаолиятига доир маълумотларга эгаллиги, уларнинг моҳиятини тушуна олиши, маълум тушунчалар мазмунини шарҳлай олиши, тадбиркорлик сифатлари ва бизнес билан боғлиқ назарий билимларни эгаллаганлик, бизнес фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ амалий кўникманинг шаклланганлиги, вақтни тўғри режалаштириш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлик, тадбиркорлик сифатларининг қарор топганлиги, шунингдек мустақил бизнес фаолиятини олиб боришга тайёрлиги билан изоҳланади.
<b>Ўрта</b>	Ушбу ҳолатда ўқувчи томонидан иқтисодий жараёнлар ва бизнес фаолиятига доир маълумотлар мазмуни тўлиқ англамайди, уларнинг моҳиятини тушуниш, маълум тушунчалар мазмунини шарҳлай олишда қийинчиликка дуч келади, тадбиркорлик сифатлари ва бизнес билан боғлиқ назарий билимлар тўлиқ шаклланмаган, бизнес фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ амалий кўникманинг шаклланганлиги, вақтни тўғри режалаштириш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлиги юқори даражада намоён бўлмайди.
<b>Қуйи</b>	Мазкур ҳолатда ўқувчилар шахсий қадриятлар тизими ва билим олиш билан боғлиқ аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий установакаларга эга, бироқ иқтисодий жараёнлар ва бизнес фаолиятига доир маълумотлар мазмунини ўзлаштириш, уларнинг моҳиятини тушуна олиш, маълум тушунчалар мазмунини шарҳлай олиш, бизнес фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ амалий фаолият кўникмаларини эгаллаш қобилияти ва компетентлиги етарли эмас. Шунингдек, ўқувчиларда ижодкорлик сифатлари ҳам яққол кўзга ташланмайди.

